

имеются два региона из одиннадцати, где можно строить ветряные станции и получать энергию ветра (Республика Каракалпакстан, Навоийская область).

Необходимо также иметь ввиду то обстоятельство, что многие развитые страны мира за последние годы начали отходить от имеющихся альтернативных источников энергии и возвращаться к традиционным источникам энергии.

**Выводы и предложения:** необходимо при переходе к альтернативным источникам энергии учитывать все сложившиеся экологические проблемы, экономическое развитие страны, взаимоотношение с ближайшими соседями. Предлагается вместо крупных солнечных станций строить не большие 10—15 МВт, энергия которых будет обеспечивать ближайшую территорию возле станции. Также необходимо учитывать при строительстве солнечных и ветряных станций вопрос хранения вырабатываемой энергии (совместное строительство аккумуляторных станций).

#### *Список использованной литературы:*

*“Магистрал электр тармоқларини ривожлантириши ва қайта тикланувчи энергия манбалари билан интеграциялаш дастури”.* 09.12.2022.

*«Европейский Союз – Центральная Азия: сотрудничество в области водных ресурсов, окружающей среды и изменения климата» (WECOOP).*

<https://wecoop.eu/ru/glossary/green-deal/> 10.10.2023.

*Transforming our World: The 2030 Agenda for Sustainable Development. United Nations, 2015.* <https://sdgs.un.org/2030agenda> 12.10.2023

*Эрдман Р., Петренко Т. Путь воды – Хорезм.: Изд-во «Хорезмский Агроконсультативный Центр KRASS», 2020.- С. 8*

## **ХУДУДЛАРДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

*М.А.Баҳриддинова, таянч докторант*

*ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг  
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази*

Маълумки, тадбиркорлик қулай шароит ва муҳит мавжуд бўлгандагина шаклланади. Мамлакатимизда бундай муҳит яратилишига Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, қарор ва фармонлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асос бўлиб хизмат қилмоқда [1;2;3]. Мавжуд қонунчилик тадбиркорлик фаолияти субъектларига кенг имкониятлар яратиш мақсадида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўзларига мақбул бўлган шаклларда (якка тартибдаги, ёлланма меҳнатни жалб этиш асосида ёки ҳамкорликдаги) тадбиркорлик бўйича иқтисодий фаолиятни амалга оширишларини назарда тутди.

Ҳар бир минтақанинг тарихий таркиб топиши, анъаналари, касб-кори ва замонавий турмуш даражасидан келиб чиқиб, жамоатчилик ишларини ташкил этиш имкониятлари беқиёс катта. Масалан, Чустда пичоқчилик, Бухорода зардўзлик, Риштонда кулочилик ва ҳ.к. Шу нуқтаи назардан, ўрганилаётган

минтақада ҳам қадимдан мавжуд бўлган гилам тўқиш, чопондўзлик, дўппичилик, кулолчиликни аҳоли бандлигида қўллаш ижодий натижалар бериши мумкин. Айни вақтда, қурилиш-бинокорлик, наққошлик ҳам жамоатчилик иши сифатида фойдадан холи эмас.

Меҳнат органларида фаол иш қидирувчи сифатида рўйхатда турганларнинг 27 фоизи қурилиш, таъмирлаш ва пардозлаш ишларини бажариш бўйича мутахассислар ҳисобланади. Ваҳоланки, бир неча юзлаб шундай мутахассислик ва касб-малакасига эга бўлганларнинг норасмий мардикор бозорида фаолият юритаётгани ҳақида алоҳида қайд этиш лозим.

Қашқадарё вилоятининг қишлоқ туманлардан иборатлиги ва аҳоли учун ер участкаларининг мавжудлиги уй, деҳқон хўжалигида ўз-ўзини банд этишига имкон бермоқда. Улар ўз томорқа хўжаликларида маҳсулот етиштириш ва сотиш билан қонуний даромадга эга бўлишмоқда. Ҳозирда минтақада бундай тадбиркорларнинг сони 179,8 минг киши бўлиб, 41,6 минг гектар ҳайдаладиган ерда яқка тадбиркорлик фаолиятини юргизишмоқда. Уларнинг ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотидаги улуши 71–72 фоизга тенг.

Меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашдаги яна бир салбий кўриниш минтақада азалдан миллий ҳунармандчилик ривожланган бўлсада, ҳозиргача фаолиятнинг бу турида хусусий тадбиркорликнинг тараққий этмаганлигидир. Худуд кашта, сўзана, дўппи, белбоғлари, шунингдек, кулолчилик ва наққош-дурадгорлиги билан тарихда ўзига хос мавқени эгаллаган. Аҳолини иш билан таъминлаш долзарб бўлиб турган ҳозирги даврда ана шундай халқ ҳунармандчилигини кенгайтириш, аниқроғи, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ туманлари ва Қарши шаҳрида устоз-шогирд анъаналарини тиклаш орқали янги иш ўринлари яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусий тадбиркорликнинг иккинчи кўриниши ёлланма меҳнатни жалб қилиш асосида ҳуқуқий шахс ва уни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиб фаолият кўрсатишидир. Тадбиркорликнинг бу тури микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳисобланади. Қашқадарё вилоятида 2022 йилда фаолият кўрсатаётган бундай тадбиркорлик субъектларининг сони 75210 та бўлиб, улар жами хўжалик юритувчи субъектларнинг 91,3 фоизини ташкил этади. Вилоятда ҳозиргача рўйхатдан ўтган микрофирмаларни ташкил этиш учун сарфланган маблағларнинг 19 фоизга яқини тижорат банклари кредитларига, қолган қисми эса аҳоли маблағлари ҳиссасига тўғри келади. Кичик корхоналар ҳисобидан янги иш ўринлари яратишда ҳам асосан тадбиркорларнинг маблағларидан фойдаланилмоқда. Маълумотларга кўра, саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, майший хизмат ва қурилиш соҳаларида яратилган кичик корхоналар жами шу турдаги корхоналарнинг 1/4 қисмини ташкил қилади. Уларда банд бўлганлар шу усулда банд этилганларнинг 41,0 фоизига тенг[4].

Вилоятда бозор инфраструктураси объектлари ҳисобланган лизинг, суғурта, ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатувчи кичик корхоналар нисбатан кам ривожланган. Масалан, ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатувчи микрофирмалар асосан Қарши, Муборак, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ

шаҳарларида фаолият олиб бормоқда. Лизинг, суғурта хизмати кўрсатувчи фирмалар ҳам Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида мавжуд, холос.

Маълумки, мулкчилик шаклларида ривожланиши ва бандликнинг ноанъанавий турларининг кенг тарқалиши шароитида лизинг, суғурта хизматларига эҳтиёж кучаяди. Айни ҳолат, аудит, маркетинг, адвокатлик, туризм ва юридик хизматлар учун ҳам хос. Бу турдаги фаолият турларининг ташкил этилиши минтақада янги иш ўринларини яратиш билан бир қаторда, бозор инфраструктурасини ҳар томонлама ривожланишига, аҳоли турмуш шароитини яхшиланишига замин яратади.

Худуднинг узоқ тарихга эга эканлиги ва аждодларимиздан қолган меъморий обидалар жаҳон аҳлини ўзига ром этиб, азалдан туризм маркази сифатида танилишига имкон берган. Бироқ, минтақада туризмнинг ривожланишига хизмат қиладиган фирма ёки нодавлат ташкилотлар ҳозиргача мавжуд эмас. Шу сабабли минтақада туризм ва рекреация борасида фаолият юритувчи кичик корхоналар, фирмалар ташкил этиш бугуннинг долзарб вазифасидир. Вилоятда бундай хусусий тадбиркорлар мутлақо фаолият кўрсатмайди. Умуман олганда, минтақанинг охириги 5-10 йилида тадбиркорликнинг турли йўналишлари кенг ривож топиши ижобий ҳол, бироқ уни ҳозиргача талаб даражасида деб айтиб бўлмайди.

Бизнингча, аҳоли бандлигини оширишда фақат хусусий тадбиркорликка таяниш масалага бир томонлама ёндошиш ҳисобланади. Шу боис, янги иш ўринларини яратишда бюджет ташкилотларини ҳам жалб этиш лозим. Вилоятда давлат дастурлари доирасида таълим соҳасида (мактаб ва лицейларда) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги коллежларда иш ўринлари яратиш имкониятлари анчагина катта. Бинобарин, худуднинг демографик вазияти янги мактаб ва мактабгача таълим муассаларини, ижтимоий-иқтисодий вазият эса замонавий йўналишлардаги лицей ва коллежларни кўпайтиришни тақоза этади.

Енгил ва озиқ-овқат саноатининг ўнлаб корхоналари ҳамда уларнинг худудий бўлимларини ишламай турганлиги ёки лойиҳавий қувватидан бир неча марта паст ишлаётганлигини инобатга олиб, улар базасида қўшма корхоналар ташкил этиш ҳам аҳоли бандлигини яхшилашда кўп ижобий натижалар беради.

Республикада бугунги кунда иш билан бандликнинг ноанъанавий, типик бўлмаган турлари кенг ёйилиб бормоқда. Қашқадарё вилоятида ҳам бандликнинг бундай турларидан унумли фойдаланиш аҳоли бандлигини яхшилашнинг устивор йўналиши ҳисобланади. Вақтинча иш билан бандлик, уй бекалари, болалар ва нафақахўрларни ўз уйи ёки шахсий (ёрдамчи) хўжаликларда ўзаро келишув асосида ишлаши, қисман иш билан бандлик шулар жумласидан бўлиб, у оила даромадини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, меҳнат ресурсларининг бугунги ҳолати ҳам меҳнат билан бандликнинг ана шундай ўзгарувчан шакллари тадбиқ этишни талаб қилади.

Вилоятда жамоатчилик ишларининг ва унга боғлиқ ҳолда меҳнат фаолияти билан банд бўлмаганларнинг кўплиги унда яхлит жамоатчилик ишларининг йиллик тизимини ишлаб чиқиш заруратини туғдиради. У, йил давомида узлуксиз

давом этиши ва баъзи мавсумлардаги ортиқча ишчи кучини иш билан таъминлаши зарур. Бунга қишлоқ хўжалигида мавсумлар билан боғлиқ зарур ишчи кучи балансини ишлаб чиқиш ва айти шу пайтдаги яширин ишсизларни жамоатчилик ишларига жалб этиш орқали эришилади.

#### ***Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:***

*Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-328-сонли Қонуни. 2012 йил 2 май.*

*Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3856-сонли қарори.*

*Қаиқадарё вилояти Бандлик бош боиқармасининг [qashqadaryo.mehnat.uz](http://qashqadaryo.mehnat.uz) сайти маълумотлари.*

## **РОЛЬ И МЕСТО ЗЕЛЕННОЙ ЭКОНОМИКИ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ И ЕЕ ЗНАЧИМОСТЬ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ**

***К.Р.Загидуллина, докторант  
Ташкентского государственного  
технического университета,***

В настоящее время важнейшим ресурсом любого предприятия является его персонал. От качества, квалификации, профессионализма и личных качеств работников во многом зависит эффективность любого предприятия, особенно это необходимо подчеркнуть для современных предприятий «цифровой» экономики. Современная ситуация характеризуется тем, что большую роль играют различные «умные» и технологические предприятия, связанные с работой в инновационных сферах. Кадры данных предприятий должны обладать существенными навыками и личными качествами, которые будут позволять им осуществлять постоянный поиск возможностей оптимизации и совершенствования различных процессов, а не просто повторять какие-либо определённые действия на протяжении многих лет. Все это говорит о необходимости особой подготовки кадров, во главе которых должно стоять не просто предоставление определенного материала и каких-либо навыков, а обучение основам самообразования и самосовершенствования на рабочем месте на протяжении всей своей жизни.

Постоянное развитие общества и экономики, происходящие эволюционные процессы привели к формированию «цифровой» экономики, т.е. экономики, существенное место в которой занимают различные цифровые технологии, с помощью которых осуществляется производство, ведется торговля, а также реализуется множество других процессов, характерных для экономической деятельности. Важной характеристикой цифровой экономики